# ФАОЛИЯТИМИЗ ДАВР РУҲИГА МОС БЎЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

батан камайтириб юборилди.

Вилоятда йирик, иқтисодий жиҳатдан бақувват корхоналар бўлишига қарамасдан, уларнинг имкониятларидан яхши фойдаланилгани йўқ, бу корхоналар кўпинча ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ғоят ачинарлидир.

Капитал қурилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш 1994 йилда 1993 йилга нисбатан ниҳоятда паст даражада.

Вилоят меҳнаткашлари ўзи ташаббус кўрсатиб, уй-жой қуриш учун ҳаракат қилса-ю, раҳбарлар бунга йўл бермай ўтирса! Ваҳолонки, биз уларни қўллаб-қувватлаб, ёрдам беришимиз зарур.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида ҳам вилоятда ташкилотчилик, ташаббускорлик сезилмаётир. Жойларда тузилган меҳнат биржалари ходимлари аксарият ҳолларда ўз зиммаларига юкланган вазифалар билан шуғулланмайди. Қўшимча иш жойлари, хусусий, кичик, қўшма корхоналар ташкил этиш билан ҳозиргача ҳам ҳеч ким жиддий шуғулланмаяпти. Айниқса, Томди ва Конимех туманларида аҳвол ёмон. Бу ҳудудларда меҳнат ресурсларининг таъминланиш даражаси 56 фоизни ташкил этганини вилоят раҳбарлари ўйлаб кўрмаган ҳам. Қўшимча иш жойлари яратилмагани сабабли туман фуқаролари Зарафшон ва Навоий шаҳарларига иш излаб боришга мажбур бўлмоқда, деди Президент.

Айниқса, вилоятда аҳолини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш бўйича Президент фармонининг ўта сусткашлик билан амалга оширилаётгани кечирилмас ҳолдир. Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида ана шу хусусда ҳам фикр юритди.

Агар вилоят ва туман раҳбарлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, эл манфаатини шахсий манфаатларидан юқори қўйганларида эди, газлаштириш Нурота, Конимех ва Навбаҳор туманларида 5-10 фоизни, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш Қизилтепа, Навбаҳор, Навоий, Нурота туманларида 10-35 фоизни ташкил этмаган бўларди. “Мен сенга, сен менга тегма“ қабилида иш тутадиган бундай раҳбарларга орамизда ўрин бўлмаслиги керак!

Ахир, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш шароитини яхшилаш ҳақидаги Фармон ва қарорларнинг ижросини таъминламайдиган, халқнинг оғирини енгил қилишга интилмайдиган, унинг ташвиши билан яшамайдиган раҳбар қандай раҳбар бўлди?

Мустақил давлатимизнинг равнақи нафақат саноатни ривожлантириш, балки қишлоқ хўжалигига ҳам чамбарчас боғлиқлиги ҳаммангизга маълум, деди Президент мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни ҳақида тўхталиб. Ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш — хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Мана шу соҳада Навоий вилоятида қилинаётган ишлар ҳам талабга жавоб бермайди.

Деҳқончилик саноати уюшмаси хўжаликлари ўтган йили жуда ёмон ишлагани сабабли уларнинг молиявий кўрсаткичлари ниҳоятда паст бўлди. Сабзавот ҳосилдорлиги 1993 йилга нисбатан 6 центнер, полиз маҳсулотлари 4 центнер камайтириб юборилди. Бундан ташқари ўтган йили дон етиштириш режаси 71,7, сабзавот 86,8, полиз маҳсулотлари 77,7, мева 72,4 фоиз бажарилганини қандай баҳолаш мумкин?!

Ғалла мустақиллиги тўғрисида жуда кўп гапиряпмиз, деб сўзида давом этди мамлакатимиз раҳбари. Аммо Навоий вилоятида бу борада олиб борилаётган ишлар мутлақо талабга жавоб бермайди. Ўтган йили Нурота туманида дон етиштириш 20,7 фоиз, Навбаҳор туманида 59 фоиз, Навоий туманида 76 фоиз бажарилгани шу ҳудудларда ҳақиқий раҳбар йўқлигидан, ўзини раҳбар санаганлар эл учун ҳам, юрт учун ҳам қайғурмасдан, фақат ўз манфаатларини ўйлаб иш кўраётганидан далолат беради, холос!

Эътибор беринг, Нурота туманида ҳар гектар ердан атиги 2,1 центнердан, вилоятда эса бор-йўғи 14 центнердан дон ҳосили олинган. Табиий савол туғилади: бу вилоятда раҳбар борми ўзи ё йўқми? Дон режаси уддаланмаса, мева етиштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлса, сабзавот маҳсулотлари йилдан-йилга камайиб кетаётган бўлса, унда шу соҳаларнинг мутасаддилари нима билан шуғулланаяптилар?!

Вилоятда пахтачилик борасидаги ишлар ҳам қониқарли аҳволда эмас. Ҳар гектар ердан олинаётган ҳосил салмоғи ниҳоятда паст. Ўтган йили пахта тайёрлаш режаси зўрға 97,7 фоизга етказилди. Сўрасанг, ҳамма раҳбарлар ўзини пахта билан шуғулланаётган қилиб кўрсатади. Аниқроқ билмоқчи бўлсанг, вилоятда пахтачиликнинг эгаси йўқ!

Вилоятда чорвачилик ҳам эътибордан четда қоляпти. Натижада кейинги икки йил ичида қорамоллар сони 2 минг 700 бош, майда моллар сони эса 100 минг бош камайиб кетган. Қўйлардан қўзи олиш 1994 йилда 1993 йилга нисбатан 302 мингта кам бўлди. Жун сотиш 881 тоннага, қоракўл тери сотиш эса қарийб 380 минг донага, гўшт етиштириш 1992 йилга нисбатан қарийб 13 фоизга, тухум 82,3 фоизга, қоракўл тери тайёрлаш 25,4 фоизга камайтириб юборилган.

Чорвачилик тармоғидаги самарадорлик 1992 йилда 20,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1994 йилга келиб бор-йўғи 1,1 фоиз бўлгани учун, вилоятда ким жавоб беради?!

Хўжаликларда чорвачилик маҳсулотларининг камайиб кетиши асосан молларнинг озуқа базасига эътиборнинг сусайгани туфайли бўлмоқда. Сўнгги уч йил ичида Конимех, Томди ва Учқудуқ туманларида яйловларнинг ҳолатини яхшилаш борасида биронта ҳам тадбир амалга оширилмаган.

Ҳисоб-китобларга қараганда, бу туманларда чорва қишловини ўтказиш учун тайёрланган озуқа 10 февралга қадар зўрға етиши мумкин, холос.

Бундай ачинарли вазиятни изоҳлаб, эътиборингизни муҳим бир масалага жалб қилмоқчиман, деди Президент. Албатта, бугун халқимиз бошидан оғир кунларни кечирмоқда. Буни ҳаммамиз тан оламиз. Лекин саноатда ишлаб чиқариш ўсмаса, қишлоқ хўжалигида аҳвол яхшиланмаса, ғалла ҳосили экилган уруғидан кам бўлса, чорвадорнинг подаси очликдан нобуд бўлаверса — халқнинг косаси оқарадими, ҳаётимиз фаровон бўлиши мумкинми?

Раҳбарларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги, моддий ва маънавий қўллаб-қувватламаслиги туфайли фермер хўжаликлари, жумладан, ўтган йили Томди туманида 5 та фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. “Тадбиркор“ банки эса кредит ресурслари ажратмаётир.

Биргина шу тумандаги фермер хўжаликларининг техника сотиб олиш учун 139 минг сўм кредит ресурси олиш ҳақидаги аризаси бугунги кунга қадар қондирилмаган. Бундай аҳвол юзага келишига сабаб нима? Очиғини айтиш керак, бунинг асосий сабаби раҳбарларнинг ўзлари ҳали ҳам ислоҳотларнинг асл моҳиятини тушуниб етмаганлигидадир. Уларнинг ўзлари тушуниб етмаганликларидан кейин одамларга мулк, ерга эгалик қилиш моҳиятини қандай тушунтириб берсинлар?

Вилоятда мулк шаклларини ўзгартириб, жамоа, ширкат ва ижара хўжаликларига айлантириш номигагина амалга оширилган. Хўжалик бошқаруви ҳамон эскича қолаётир. Бошқарув идорасида аввал 80-100 нафар киши ишлаган бўлса, ҳозир ҳам шунча ходим фаолият кўрсатмоқда. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлганлар билан раҳбарларнинг ҳали-ҳамон муросасозлик қилаётгани айниқса ташвишланарли ҳолдир, дея қайд этди республикамиз раҳбари.

Хўжаликларнинг ичида маҳсулот етиштириш бўйича ички шартномалар тузилмаган, ер одамларга бир неча йилга ижарага бўлиб берилмаган, бошқа асосий воситалар бепул мулк қилиб топширилмаган. Чўпонлар ва бошқа ходимлар мулк эгаси экани ҳақидаги тушунчага ҳам эга эмаслар. Даромадларни мустақил тасарруф қилишни билмайдилар, фойдадан улуш олиш тартибини тушунмайдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитини англаб етмаган раҳбарлар республика идораларига, давлат бизга ёрдам берсин, деб мурожаат қилишни ҳали ҳам давом эттирмоқда. Одамлар бир нарсани тушуниб олиши керак, эски вақтлар қайтиб келмайди. Кимки ўша даврни қўмсаётган, қайтаришга уринаётган бўлса, у ўз жойини бошқаларга бўшатиб қўйгани маъқул!

Вилоятда қурилиши тугалланмаган объектларни сотиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Шу кунга қадар 267 та чала объектларнинг бор-йўғи 5 таси сотилганини қандай тушуниш мумкин?!

Хусусийлаштирилаётган объектларни ер майдони билан баҳолаб сотиш ташкил этилмаган. Ҳозирча биронта ҳам объект ер майдони билан бирга сотилган эмас. Вилоят, туман раҳбарлари бу билан давлат бюджетига тушадиган фойдага тўсқинлик қилмоқдалар. Бу аҳволга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди.

Савдо, маиший хизматни яхшилаш чоралари давр талаблари асосида қайта кўрилмаётир. Савдо дўконларини хусусийлаштиришдан мақсад маҳсулот турларини кўпайтириш, аҳоли талабларини қондириш йўлларини излаб топиш бўлса-да, вилоят раҳбарлари унинг моҳиятини тушуниб етмаяпти.

Вилоят раҳбарларига, нима учун пулнинг қайтиб тушиши кам, нега одамларга ўз вақтида маош тўланмайди, деган саволни берсанг, бизда бозор йўқ, савдода мол кам, одамлар бошқа шаҳарларга бориб савдо қилиб келади, деган жавобни айтади.

Оғзингизни очиб ўтирган билан биров сизларга молларни келтириб берармиди? Нима учун хусусийлаштирилган савдо шохобчаларига етарли моллар келтирилмайди, янги хусусий дўконлар, бозорлар қурилмайди? Нима учун бундай ишлар қўлидан келадиган тадбиркорлар излаб топилмайди? Ё Навоийда ишбилармон кишилар йўқми? Яқинда Президент ҳузуридаги идоралараро кенгашда иштирок этган ишбилармонларнинг фикрларига аҳамият бердингизми? Нима учун улар қилаётган ишларни Навоийда амалга ошириш мумкин эмас? Боқимандалик қачонгача давом этиши мумкин?

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам камчиликлар талай. Болалар боғчалари, мактабларни таъмирлаш, ўқитувчи, тарбиячи, тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари эътибордан четда қолмоқда. Касалхоналарда дори-дармон, кераксли жиҳозлар етишмайди. Оналар ва болалар ўлими бўйича кўрсаткич вилоятда ҳамон юқорилигича қолмоқда.

Республикамиз бўйича жиноятчилик 1994 йили 1993 йилга нисбатан 20 фоиз камайган бўлса, Навоий вилоятида бу кўрсаткич 10 фоиз ортган. Оғир тур аги жиноятлар 20 фоиз, қасддан одам ўлдириш 11 фоиз, номусга тегиш 9,5 фоиз, талончилик 5 фоиз, фирибгарлик 54 фоиз, безорилик 57 фоиз кўпайган. Ҳозирга қадар содир этилган жиноятларнинг 668 таси, шу жумладан, 518 та оғир турдаги жиноят очилмасдан қолган.

Бундан кўриниб турибдики, маъмурий органлар олиб бораётган ишлар талабга жавоб бермайди, деди Ислом Каримов. Жойларда ҳокимлар билан улар ўртасида ҳамкорлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш олиб боришда жамоатчилик ёрдами сезилмаяпти. Мазкур камчиликларнинг содир бўлишига жойларда раҳбарлик лавозимларига нолойиқ, тасодифий кадрлар келиб қолиши сабаб бўлмоқда.

Вилоятда кадрларни тарбиялаш, танлаш, жой-жойига қўйиш, ёш мутахассислар, ишбилармонлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаган. Кадрларни тарбиялашга эътибор берилмаяпти. Натижада кадрлар тез-тез алмаштирилмоқда. Айниқса, Навоий, Томди, Нурота, Конимех туманларида кадрларни танлашга эътибор йўқ.

Хулоса шуки, вилоятда раҳбарлик тизими ташаббускор, тадбиркор, масъулиятни чуқур ҳис эта оладиган кадрлар билан мустаҳкамланмаган.

Айрим раҳбарлар эл-юрт манфаатидан ўз манфаатини устун қўймоқда, нопок ишларга қўл урмоқда. Натижада халқ хўжалигининг барча соҳаларини жадал ривожлантириш давр талабларидан орқада қолган. Фармон ва қарорлар бажарилиши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Раҳбарлар ўртасида хотиржамлик, ўзибўларчилик ҳоллари юзага келган. Бу эса вилоятда ижтимоий-сиёсий аҳволнинг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Аминманки, Навоий вилояти меҳнаткашлари ориятли, танти, фидойи инсонлар. Оддий меҳнаткашдан тортиб раҳбаргача — ҳамма қўлни-қўлга бериб меҳнат қилиши, миллатидан қатъи назар, элим деб, юртим деб ёниб яшаши керак. Маҳаллийчиликка барҳам бериш, республикамиз тараққиёти, ривожига ўз ҳиссасини қўшиш шу заминда яшаётган ҳар бир кишининг қалб амрига айланмоғи зарур, деди Ислом Каримов пировардида.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Республика Президентининг тавсиясига биноан Навоий кон-металлургия комбинатининг 5-кон бошқармаси директори лавозимида ишлаб келаётган Ҳаёт Ғаффоров Навоий вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э.Халилов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

**(ЎзА).**



*Маҳалла — аҳиллик қўрғони*

## “ОБИ МАҲШАД“ ФИРҚАЛАРИ

*“Оби маҳшад“да тез-тез бўлади бундай тадбирлар. Айниқса, маҳаллага ЎзХДП аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий-тренер Мамажон Аҳмедов оқсоқол бўлгач, ишлар янада жонланиб кетди. Ота-оналарнинг мактабларга бориши анъанага айланди.*

*Шу боис 10 нафар йигит-қиз тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юртларнинг талабалари бўлишди. Етти нафар ўқувчи вилоят аълочи ўқувчилар слётида қатнашди.*

*М. Аҳмедов ташаббуси билан бу ерда спортчиларнинг доимий машғулоти йўлга қўйилган. Болалар ўзлари учун спорт майдончаси қуриб олишди. Кейинги йилларда маҳалладан 3 нафар спорт устаси, 3 нафар республика чемпиони етишиб чиқди. Тўй-маъракаларни ихчамлаштириш, оила тотувлигини таъминлаш борасида ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада оила бузилишига йўл қўйилмаяпти.*

*Бу галги маҳалла байрамида ана шу каби эзгу ишлар яна бир бор айтиб ўтилди.Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби А. Салоҳиддинов, Сиёб тумани маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши раиси С. Шарипов турар-жойларда олиб борилаётган тарбиявий тадбирлар хусусида сўзлашди.*

*Маҳалла фаолларидан аэропорт ходими Тилло Шодиев, боғча тарбиячиси Дилором Мирмуҳаммедова, ўқитувчи Қаноат Зоҳидова, кўн заводи ишчиси Соҳиба Ваҳобова, ҳуқуқчи Мамлакат Нуруллаева — жами 18 кишига партия билетлари топширилди. Ўша куни маҳалла қошида бошланғич партия ташкилоти тузилди ва муаллима Қ. Зоҳидова унга котиб этиб сайланди.*

*Ўқувчилар ўз ота-оналарини мазмунли адабий-бадиий томоша ва куй-қўшиқлар билан хурсанд этдилар,билим ва зукколикларини намойиш қилдилар. Маҳалла спортчиларининг кўргазмали чиқишлари ҳам тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди.*

**Фармон ТОШЕВ,**
**“Ўзбекистон овози“ мухбири.**

**Суратларда: партия билетларини топшириш пайти (юқорида); пастдаги суратда эса маҳалла чойхонасида ёшлар ҳордиғи акс этган.**

**В. Тимченко олган суратлар.**



# ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКДА ТАШАББУС КЎРСАТИШ ВА УНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

биркорларнинг икки томонлама масъулияти принципига амал қилсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси ва Адлия вазирлиги тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларига риоя этиш юзасидан қабул қилинган қонунлар ҳамда фармонларнинг қатъиян бажарилишини назорат қилишни таъминласинлар. Уларни сўзсиз бажариш ва бузғунчиликларнинг олдини олиш борасида тезкор чораларни кўрсинлар.

2. Белгилаб қўйилсинки, хусусий корхоналар қонунларда кўзда тутилган ҳужжатларни улар жойлашган ҳудуддаги ҳокимиятга топширгандан кейин уч кун муддат ичида белгиланган тартибда давлат томонидан рўйхатга олинади.

Корхоналарни рўйхатга олишни ташкил қилиш учун жавобгарлик ўз мақомларига кўра тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг зиммасига юклансин ҳамда ҳокимликларнинг тегишли бўлимлари ва хизматлари уларга бўйсундирилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулки қўмитаси 1995 йилда Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармага давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган реконструкциялаш, техника билан қайта қуроллантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган маблағларнинг 50 фоизга қадарини топширсин.

Мазкур маблағлар аввало лойиҳаларни амалга оширишда ўз улуши билан қатнашиш, кредитлар бериш, шунингдек тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафолатлар бериш йўли билан тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга сарфлансин.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, халқ истеъмол моллари, ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулотларни, бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш, шунингдек қурилиш фаолияти билан, таъмирлаш, тузатиш-қурилиш, маиший ва коммунал хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи хусусий корхоналар рўйхатга олинган кундан бошлаб дастлабки икки йил мобайнида даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинсинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, хусусий корхоналарнинг даромади (фойдаси) дан олинадиган солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқиш чоғида солиқ солинадиган база ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, қайта ташкил қилишга, техника билан жиҳозлашга сарфланадиган маблағ миқдорида камайтирилади.

6. Хусусий корхоналарда ёлланиб ишлайдиган ходимлар сони бўйича амалдаги чеклашлар бекор қилинсин.

7. Хўжалик судларига хусусий корхона эгаларидан пошлина ҳақини олдиндан тўлаттирмай даъво аризаларини қабул қилишга рухсат берилсин, кейинчалик унинг ҳақи суд қарори чиқарилгандан сўнг сўзсиз ундириб олинсин.

8. Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг моддий-техника негизини амалда мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулки қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, корпорациялар, концернлар ва уюшмалар билан биргаликда:

Маҳсулот ишлаб чиқаришни, савдо-сотиқни ва турли хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш учун фойдаланилмай ётган ишлаб чиқариш биноларини белгиланган тартибда хусусий корхоналарга ижарага беришни;

чала қурилган ишлаб чиқариш иншоотлари ҳамда фойдаланилмаётган ускуналарни кимошди савдоси ва танловлар орқали сотишни амалда кенг жорий қилсинлар.

9. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулки қўмитаси, “Ўзбексавдо“ давлат уюшмаси, “Ўзбекбирлашув“, “Ўзтайёрловсавдо“ уюшмаси:

1995 йилнинг 1 чорагида деҳқон (фермер) лардан ва хусусий корхона эгаларидан қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини харид қилувчи доимий ишлайдиган улгуржи ихтисослаштирилган бозорларни ташкил қилсинлар;

бўш ётган биноларни тадбиркорларнинг тайёр маҳсулотлари сақланадиган омборларга айлантириш ва улардан фойдаланишга кўмаклашсинлар.

10. “Ўзулгуржибиржасавдо“ уюшмаси, “Ўзбекенгилсаноат“ давлат уюшмаси, “Маҳаллий саноат“ давлат корпорацияси, “Ўзбекбирлашув“, “Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш“ давлат қўмитаси:

Товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларни маҳаллий хомашё ва материаллар билан таъминлайдиган улгуржи-воситачи тузилмаларни;

хом ашё ва материалларга буюртмаларни йиғиш, уларни харид қилиш, навларга ажратиш, сақлаш, зарур ҳолга етказиш ҳамда уларни тадбиркорларнинг буюртмалари бўйича сотиш билан шуғулланувчи тижорат марказлари ва савдо уйларини ташкил қилсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. З. Усмонов республиканинг катта шаҳарларида супермаркетлар барпо этишда хусусий корхона эгаларига ёрдам кўрсатсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига турар жой биноларини улар жойлашган ер участкалари билан бирга хорижий юридик ва жисмоний шахслар — дипломатия корпусининг ходимларига, Ўзбекистон Республикасига вакил қилиб юборилган матбуот ходимларига, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналарининг ходимларига, қўшма корхоналарда доимий асосда ишлайдиган шахсларга, шунингдек республикада доимий истиқомат қиладиган ва яшаш учун гувоҳномага эга бўлган шахсларга хусусий мулк қилиб сотишларига рухсат берилсин.

13. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддат ичида Молия вазирлиги ҳузурида қимматбаҳо қоғозлар бўйича доимий ишлайдиган республика комиссиясини ташкил қилсинлар.

14. Ҳар йили хусусий корхоналар эгаларининг танловларини ўтказиб, ғолибларни — экспортга маҳсулот чиқариш билан шуғулланувчи фирмаларни халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда таништириб туриш тўғрисида Тадбиркорлар уюшмаси билан Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарманинг таклифи қабул қилинсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда бир ой муддат ичида бозор муносабатлари соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тармоғини кенгайтиришга оид тадбирлар тизимини ишлаб чиқсин.

16. Тошкент шаҳар ҳокими шу йилнинг 1 чорагида республика жамғарма биржаси ва республика кўчмас мулк биржасига уларнинг фаолияти учун нормал шарт-шароитларни таъминлаб берадиган бинолар ажратилишини таъминласин.

17. Ўзтелерадио, газета ва журналларнинг таҳририятлари хусусий корхона эгаларининг иш тажрибасини тарғиб қилишни авж олдирсинлар, уларнинг аниқ-равшан намуналари асосида тайёрга айёрлик психологиясини бартараф этиш ва улар шу негизга таяниб ўзларининг моддий фаровонлигини таъминлаши, шунингдек хайрия фаолиятини амалга ошириши соҳасидаги кенг имкониятларни намойиш қилсинлар.

18. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга оид қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 январь.

